

Тасдиқлайман»



Косон туман Хоким ўринбосари

Б. Очиллов

2022 йил

Косон тумани Нурафшон МФЙ Нурафшон шох кўчаси жорий таъмирлаш
км 0,269 ишларини бажариш учун

Бажарувчи ташкилотнинг танлаб олиш учун талаб қилинадиган

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ ВА ХУЖЖАТЛАРИ

(илова қилинади)

Косон. т-2022 йил

ТЕХНИК ТОПШИРИК

1. Пудратчи ташкилотнинг тўлиқ юридик манзили, солиқ ва банк реквизитлари
2. Корхона гувоҳномаси
3. Корхона Устави
4. Объектни жойида бориб ўрганиш
5. Таъмирлаш ишлари учун тижорат таклифи бўлиши
6. Ишларни тўлиқ бажариш муддати
7. Объектни молиялаштириш жадвали
8. Объектни куриш жадвали
9. Пудратчининг молиявий ҳолати тўғрисида ҳисоботлар
10. Ушбу объект учун бажариладиган ишлар офёрта
11. Пудратчининг банклардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тижорат банки маълумотномасининг асл нусхаси (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
12. Объект бошланғич нархининг 20% миқдоридан айланма маблағлари мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки айланма маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги.
13. Ҳисобот чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздолиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИнинг маълумотномасининг асл нусхаси (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)
14. Зарурий
техникаларнинг ва майда механизмлар мавжудлиги рўйхати (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун рўйхати, ижарада бўлса 3 томонлама шартнома)
15. Малакали ишчи ходимларининг мавжудлиги, доимий ишловчи (камида 5-нафар) ходимлар рўйхати ва буйруқ нусхалари,
16. Пудрат ташкилотининг уч йиллик бажарган ишлари тўғрисидаги маълумотлар (ташкилот ва идоралар кесимида) ва ижобий хулосалар олинганлиги.
17. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида пудратчи ташкилотнинг қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.
18. Смета лойиҳаси сарф – харажатлари, ғолиб ташкилот томонидан қопланади.
19. Пудратчи билан ҳисоб-китоблар миллий валюта сўмда амалга оширилади.
20. Барча ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланиши зарур.
21. Пудрат ташкилотининг рейтинги (<https://mc.uz/qurilish-pudrat-tashkilotlari-elektron-reytingi>)
22. Ғолиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзолангандан сўнг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади ва қолган 70% тўлов иш якунлаб иш

ҳажми, сифати комиссия аъзолари томонидан текширилгандан сўнг тўлаб
берилади.

23. Таъмирлаш ишларини смета лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ бажарилишини
таъминлаш мақсадида, таклиф тақдим этаётган субъектлар томонидан тижорат
таклифи қиймати буюртмачи томонидан тақдим этилаётган қийматининг 90% дан
пасаймаслиги шарт. Чунки таъмирлаш ишларини бажаришлик эҳтимоллиги
комиссия томонидан инобатга олинади ҳамда умумий қийматининг 90%дан
пасайтирилган тақдирда кўриб чиқилмайди.